

texnika, ilg'or texnologiyalarni qo'llash, mehnatni tashkil etishni takomillashtirish), qo'llash orqali erishiladi.

Yuqoridagi takliflarni amaliyotga joriy qilish korxonalarda ishlab chiqarish xarajatlari hisobi, auditi va tahlilini takomillashtirib, ularning iqtisodiy samaradorligini oshirish uchun xizmat qiladi.

Manba va adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasining «Buxgalteriya hisobi to'g'risida»gi 2016-yil 13-aprel, O'RQ-404-son qonuni.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi PQ-4611-son qarori. 2020 yil 24 fevral.
3. O'zbekiston Respublikasi Buxgalteriya hisobining milliy standarti "Moliyaviy hisobotni tayyorlash va taqdim etish uchun kontseptual asos" (AB 09.09.2016 y. 475-1-son bilan ro'yxatga olingan.)
4. Mahsulot (ishlar, xizmatlar)ni ishlab chiqarish va sotish xarajatlari tarkibi hamda moliyaviy natijalarni shakllantirish tartibi to'g'risidagi Nizom. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi qarori. 5.02.1999 №54 son.
5. Xasanov B.A. va boshqalar. Moliyaviy tahlil. Darslik.-T: Iqtisodiyot, 2019.
6. Dushmanov R.D. Buxgalteriya hisobi nazariyasi. Darslik. –T.:Fan va texnologiya, 2013. -476 b.
7. Shoalimov A.X., va boshqalar. Iqtisodiy tahlil. O'quv qo'llanma. –T.:Lesson-press, 2016.
8. Управленческий учет : учеб. пособие / А. В. Ильина, Н. Н. Ильшева. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2016. – 180 с.
9. Акбашева Д.М. Особенности учета затрат и калькулирования себестоимости продукции // Вестник Евразийской науки / The Eurasian Scientific Journal <https://esj.today> 2020, №6, Том 12 / 2020, No 6.

**КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТИ МОНИТОРИНГИ ВА ТЎЛОВГА
ЛАЁҚАТЛИЛИГИ ТАҲЛИЛИНИ ЎТҚАЗИШ МЕЗОНЛАРИ**

Хасанов Баходир Акромович,
ТДИУ “Молиявий таҳлил ва аудит”кафедраси профессори,
иқтисодиёт фанлари доктори.
Худайбердиев Бахтиёржон Марибжон ўғли,
ТДИУ магистратура талабаси

Аннотация. Мазкур мақолада корхоналарнинг молиявий ҳолати барқарорлиги ва тўловга лаёқатлилиги таҳлилни ўтказишда қўлланиладиган усуллар ҳамда уларни баҳолаш мезонлари халқаро тажриба асосида илмий-амалий жиҳатдан ёритиб берилган.

Калитли сўзлар: мониторинг, молиявий ҳолат, молиявий барқарорлик, тўлов қобилияти, реинвестиция қилиш, иқтисодий ночорлик.

**МОНИТОРИНГ ФИНАНСОВО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ И КРИТЕРИЯ
ПРОВЕДЕНИЯ АНАЛИЗА ПЛАТЕЖЕСПОСОБНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ**

Хасанов Баходир Акромович,
профессор кафедры “Финансовый анализ и аудит” ТГЭУ,
доктор экономических наук
Худайбердиев Бахтиёржон Марибжон угли,
студент магистратуры ТГЭУ

Аннотация. В данной статье освещены методы, используемые при анализе финансовой устойчивости и платежеспособности предприятий, и критерии их оценки на основе международного опыта.

Ключевые слова: мониторинг, финансовое состояние, финансовая устойчивость, платежеспособность, реинвестирование, экономическая несостоятельность.

**MONITORING OF FINANCIAL AND ECONOMIC STATE AND CRITERIA
FOR ANALYSIS OF SOLVENCY OF ENTERPRISES**

Khasanov Bakhodir Akramovich,
professor of the department “Financial analysis and audit” TSUE,
Doctor of Economic Sciences
Khudayberdiev Bakhtiyorjon Maribjon ogli,
Master's student at TSUE

Annotation. This article discusses the methods used in the analysis of the financial stability and solvency of enterprises, and the criteria for their evaluation based on international experience.

Keywords: monitoring, financial condition, financial stability, solvency, reinvestment, economic insolvency.

Кириш. Пандемия шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тўловга лаёқатлилиги таҳлилини амалга ошириш долзарб вазифа ҳисобланади. Корхонанинг тўлов қобилияти - бу хўжалик юритувчи субъектнинг мажбуриятлари ва кредиторлик қарзларини белгиланган муддатда тўлиқ тўлаш қобилияти ҳисобланади. Тўлов қобилияти корхонанинг молиявий ҳолати барқарорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткичларидан биридир.

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати таҳлилини ўтказиш тартиби мамлакатимизда ҳукумат қарори билан тартибга солинади.

Молиявий ҳолат таҳлилини ўтказишдан мақсад иқтисодий таваккалчилик ва иқтисодий ночорлик аломатларини аниқлаш ҳамда келгусида молиявий соғломлаштириш, давлат активларини сотиш ёки банкротлик таомилини қўллаш бўйича таклиф тайёрлаш мақсадида ўтказилади.

Устав фонди (Устав капитали)да давлат улуши мавжуд бўлган ва мавжуд бўлмаган хўжалик жамиятлари бошқарув органларининг қарорига кўра жамиятнинг молиявий-иқтисодий ҳолати таҳлилини ўтказиш учун ҳукумат қароридан кўрсатилган қоидаларини татбиқ этишлари мумкин[1].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Хўжалик субъектларида молиявий-иқтисодий ҳолат ва тўлов қобилияти таҳлилини такомиллаштириш масалалари республикамиз ва мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари олимлари томонидан муайян тадқиқот объектларига боғлаб ўрганилган.

Иқтисодий адабиётларда проф.Шеремет А.Д. томонидан таклиф қилинган умумий тўлов қобилияти коэффициенти қуйидаги формулани ҳисоблашни талаб қилади: корхонанинг барча активларини (таъсисчиларнинг қарзларидан ташқари) корхона мажбуриятларига (узоқ муддатли ва қисқа муддатли) бўлиш.[4.б.307]

Иқтисодчи олим проф.Пардаев М.Қ. ўзининг илмий тадқиқотларида мазкур масалага қуйидагича муносабат билдиради: “Одатда, хўжалик юритувчи субъектларнинг тўлов қобилияти барча қарзларни (Қарзлар) маблағларига солиштириш йўли билан аниқланади:

Корхонанинг тўлов қобилияти коэффициенти = Корхонанинг тўланиши мумкин бўлган маблағлари ҳажми: Корхонанинг барча қарзлари қиймати.

Ушбу коэффициентнинг миқдори 1 дан катта бўлмоғи лозим. Агар шунга эришса корхона тўловга қодир бўлиши мумкин.

Бу ерда корхонанинг барча қарзларига нафақат жорий мажбуриятлар, балки узоқ муддатли қарзлар ҳам киради. Нинг тўланиши мум-

кин бўлган маблағларига барча жорий активларни ва узоқ муддатли активларни ҳам киритишимиз мумкин бўлади”.[5]

Таниқли иқтисодчи олим Э.А. Акрамовнинг “Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили” номли асарида шундай ёзади: “Корхоналар молиявий ҳолатини умумий баҳолашда уларнинг маблағлари динамикасини ва таркиби ўзгаришини таҳлил этиш катта аҳамиятга эга, чунки, маблағларнинг динамик ва таркибий ўзгариши молиявий ҳолатни аниқловчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Шу кўринишда корхона маблағлари манбаларининг динамик ва таркибий ўзгаришлар кўрсаткичлари, корхона товар-моддий захиралари яъни моддий айланма маблағларнинг динамик ва таркибий ҳамда таҳлил натижаларига биноан тегишли хулосалар қилинади ва тавсиялар берилади”[6].

Тадқиқот методологияси. Мақолада корхоналар молиявий-иқтисодий ҳолати мониторинги ва тўловга лаёқатлилиги таҳлилини ўтказиш мезонларини такомиллаштириш мақсадида тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, аниқ вазифалар белгилаб олинган. Илмий мақолада анализ, синтез, гуруҳлаш, таққослаш ва коэффициент усуллари қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар. Тўлов қобилияти (қоплаш) коэффициенти корхонанинг мол етказиб берувчилар, ходимлар, банклар ва солиқ идоралари билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш яъни жорий активлар билан жорий мажбуриятларни қоплаш имкониятларига эгаллигини кўрсатади. Мазкур коэффициентнинг ўрнатилган мезонлардан камайиши корхонанинг тўлов қобилиятини пасайганлигини билдиради.

Амалдаги меъёрий ҳужжатларга биноан бу коэффициент қуйидаги формула ёрдамида ҳисоб-китоб қилинади:

$$T_{\text{жж}} = \frac{\text{Жорий (айланма) активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}} = \frac{A_2}{P_2 - U_{\text{мм}}}$$

Бунда,

A₂ – жорий (айланма) активлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзлари ва бошқалар), баланс активининг II бўлим, 390-сатри;

P₂ – мажбуриятлар, баланс пасивининг II бўлим, 770-сатри;

U_{мм} – узоқ муддатли мажбуриятлар, баланс пасивининг II бўлим, 490 сатри.

Агар тўлов қобилияти коэффициенти ҳисобот даврининг якунига келиб 1,25 қийматидан паст бўлса, шу кўрсаткич бўйича корхона тўловга қодир эмас, деб ҳисобланади[1].

“Imran Business Solutions” масъулияти чекланган жамияти мисолида қуйидаги ҳисоб китобларни амалга оширамиз (минг сўмда)[3]:

2020 йилнинг бошига келиб корхонанинг тўлов қобилияти юқори бўлган. Бунга асосан корхона омборидаги товарларнинг қиймати таъсир қўрсатган.

$$T_{\text{КК}} = \frac{A_2}{\text{П}_2 - \text{У}_{\text{ММ}}} = \frac{2\,098\,169,6}{99\,518,9} = 21,08$$

2020 йилнинг охирига келиб корхонанинг тўлов қобилияти йил бошига нисбатан камайганлигини гувоҳи бўламиз. Бунинг сабаби, корхонанинг жорий мажбуриятлари 3 бараварга ортганлигидадир. Бироқ, умумий хулоса қилганда

корхонанинг тўлов қобилияти ўрнатилган мезондан яъни 1,25 коэффициентдан баланд эканлиги унинг молиявий барқарорлигидан далолат беради.

$$T_{\text{КК}} = \frac{A_2}{\text{П}_2 - \text{У}_{\text{ММ}}} = \frac{3\,531\,627,79}{344\,875,9} = 10,24$$

1-жадвал

Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилни ўтказиш мезонлари

	Кўрсаткичлар	Иқтисодий ҳолат нобарқарорлиги
Асосий кўрсаткичлар		
1.	Тўлов лаёқати ёки қоплаш коэффициенти (Ктл)	Ктл - 1.25 дан кичик бўлса
2.	Ўз айланма маблағлари билан таъминланиш коэффициенти (Кат)	Кат -0.2 дан кам чиқса
3.	Корхона активлари ва ҳаражатлари рентабеллиги (Ра, Рх)	Ра, Рх -0 дан паст бўлса
Кўшимча кўрсаткичлар		
1.	Ўз маблағлари ва қисқа муддатли қарз маблағлари нисбати коэффициенти (Кўқ)	Кў/қ -1.25 дан тушиб кетган ҳолларда
2.	Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициенти(Кқўв)	Кқўв- 0.5 дан тушиб кетганда
3.	Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти (Кэск)	Кэск- 0.5 дан ошиб кетганда

Манба: Moliyaviy tahlil. Darslik. / B.A.Xasanov, M.Y.Raximov va boshq. - T.: Iqtisodiyot, 2019. - 736 b. [2.6.636]

Амалий тадқиқотларнинг кўрсатишича, тўловга лаёқатлилик таҳлили корхоналарнинг иқтисодий ночорлигини таҳлил қилишда ҳам муҳим омил бўлиб саналади. Бунда уч гуруҳдан иборат кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади:

1. Муддати 3 ойдан ортиқ кредиторлик қарзларининг мавжудлиги ва манфий рентабеллик даражаси.

2. Тўлов лаёқати, айланма маблағлар билан таъминланганлик кўрсаткичлари.

3. Активлар рентабеллиги, хусусий ва четдан жалб қилинган маблағлар нисбати, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати, асосий капитални эскириши каби кўрсаткичлар киритилади.

Корхона иқтисодий ночор ҳолга келганида нафақат жорий активлар ва мажбуриятлар, балки узоқ муддатли активлар ҳам молиялаштириш манбаи сифатида жалб этилади. Шу нуқтаи-назардан қараганда тўлов қобилиятига таъсир этувчи иккита омилни ажратиш кўрсатиш мумкин, буларга:

1. Корхона барча мажбуриятларини қоплаш учун етарли бўлган активлар (узоқ муддатли ва жорий активлар)нинг мавжудлиги.

2. Корхона баланси активи бўйича жами активларнинг ликвидлик даражаси. Бу актив-

ларни зарурат туғилганда пулга айлантириш имкониятининг мавжудлиги.

Шуни таъкидлаш зарурки амалиётда бошқарув ходимлари асосий эътиборни ҳисобот давридаги жорий мажбуриятларни қоплашга қаратганлари ҳолда, узоқ муддатли мажбуриятларни қоплашнинг муҳим манбаи ҳисобланган узоқ муддатли активлар, хусусан, инвестицион ва молиявий қўйилмаларни кўпайтиришни, уларни жамғариб боришни назардан четда қолдирадilar. Бу ўз навбатида фойда тақсимоли жараёнида реинвестиция қилишнинг ўрнига истеъмол жамғармасининг кўпайишига олиб келади. Пировард натижада корхонанинг барқарор ва истиқболли ривожланиши хавф остида қолиши мумкин.

Корхонанинг жорий тўлов қобилиятини асосини ташкил қилувчи айланма активларнинг нақдлигини баҳолашда соф активлар қийматига жиддий эътибор қаратиш лозим.

Соф активлар – бу хўжалик юритувчи субектнинг ўз маблағлари билан таъминланган узоқ муддатли ва жорий активларнинг қиймати, яъни корхонанинг қарз мажбуриятларидан озод бўлган мол-мулк қийматидир.

Соф активлар қиймати қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

Активлар – Мажбуриятлар = Соф активлар

Тажрибаларнинг кўрсатишича, активларнинг ликвидлиги ва мажбуриятларнинг муддатлари ўртасида номуносиблик пайдо бўлиши мумкин. Корхона бир томондан сотиш қийинроқ бўлган узоқ муддатли активларнинг (паст ликвидли активлар), иккинчи томондан қисқа муддатли мажбуриятларнинг салмоқли улушига эга бўлган вазиятда у ўзининг жорий мажбуриятларини тўлаш учун етарли маблағга эга бўлмаганлиги сабабли иқтисодий ночорликка юз тутиши мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-иқтисодий ҳолати мониторинги ва тўловга лаёқатлилиги таҳлилини тадқиқ этиш жараёнида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Хорижий ва ватанимиз олимлари ўртасида тўловга лаёқатлилиқ коэффициентининг ягона бир ўлчамига тўхталмаган. Бу коэффициентлар 1 ва 2 интервал оралиғида эканлигини кўрамади. Бу ўз навбатида корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги ва санация институтини жорий этишда қийинчиликларга олиб келиши мумкин.

2. Тўловга лаёқатлилиқ коэффициентини иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари бўйича табақалаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз, чунки савдо корхоналарида товарлар қийматининг умумий активлар салмоғида катта

ҳиссага эга эканлиги ва мажбуриятларнинг унга нисбатан камлиги бу коэффициентни 10 ва 20 интервал оралиғида бўлишига сабаб бўлади. Натижада ушбу коэффициент ўзининг фойдалилик қийматини йўқотади.

3. Корхоналарнинг молиявий ҳолатини баҳолашда тўлов қобилияти ва ликвидлик коэффициентлари ўртасидаги умумийлик ва хусусийликни кўпгина иқтисодий адабиётларда чалкаштириб талқин қилинмоқда. Фикримизча, ликвидлик коэффициентлари умумий тўлов қобилиятининг таркибий қисми ҳисобланади. Жорий мутлоқ ва тезкор ликвидлик коэффициентлари корхоналарнинг тўлов қобилиятини ҳисоблашда асос ва замин бўлиб ҳисобланади.

4. Корхоналарнинг тўлов қобилиятини фақат жорий активлар ва жорий мажбуриятлар нисбати билан ҳисоблаш услубий жиҳатдан самарали усул эмас деб ҳисоблаймиз. Халқаро ва мамлакатимизда шаклланган тажрибани инобатга олиб, тўлов қобилиятини ҳисоблашда корхонанинг жами активлари ва мажбуриятлари нисбати билан ҳисоблаш, бунда жами активлар қийматидан бухгалтерия баланси активидаги дебиторлик қарзларини чегириб ташлаш лозим. Шунингдек, мажбуриятлар таркибидан ҳам тўлов муддати ҳали етиб келмаган қарзларни айириб ташлаш услубий жиҳатдан мақбул бўлар эди.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМҚ 1013-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/4106617>
2. Xasanov B.A., Raximov M.Y., Muqimov Z.A., Aliqulov A.I., Jumanova A.B., Xajimuratov N.Sh., Xasanova R.B. Moliyaviy tahlil. Darslik. – T.: –Iqtisodiyot, 2019. – 736 b.
3. “Imran Business Solutions” masъuliyati cheklangan jamiatining 2020 йилги moлиявий ҳисоботи маълумотлари.
4. Шеремет А.Д. Комплексный анализ хозяйственной деятельности. – М.: ИНФРА-М, 2006. – 415с.
5. Пардаев М.Қ., Абдукаримов И.Т., Абдиев А.А., Исроилов Б.И. Корхоналарда молиявий ҳисоботлар таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Солиқ Академияси, 2008. – 78 бет.
6. Akramov E.A. Korxonalarining moliyaviy holati tahlili. O’quv qo’llanma. –T., 2007.